

## Бугуннинг аёли



3



4

**Палахмон тошини  
отишга шошилманг!**

## Фобия:

5

**бахтсизликнинг  
бошланиши...ми?**



**МУСТАҚИЛЛИК  
ФАРЗАНДЛАРИ**



8

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



*Юртимизда тўқинчилик*



## Истиқлол гурунглари

Кашқадарё вилоятининг Китоб туманида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Очил ота  
РЎЗИЕВ:

— Мен 86 ёшдаман, худога минг қатла шукрки, отабувамизнинг тушларигаям кирмаган кунларни, замонларни кўриш насиб этди. Илоё, истиқлолимиз абадий бўлсин!



**Зебунисо СУЮНОВА,**  
3-сонли академик лицей битирувчиси:

— Мен энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — истиқлолимизнинг 20 йиллиги санасида катта ҳаёт оstonасига қадам кўяётганимдан фахрланаман. Насиб этса, устозларимнинг, ота-онамнинг ишончини оқлайман!

**Ўлмас САИДЖОНОВ,**  
Ўзбекистон халқ ҳофиз:

— Биз санъат аҳли ҳамиша халқимизнинг кутлуғ танталари, яхши кунларини соғиниб яшаймиз. Бугунги тадбирда оддий одамларнинг, кексаю ёшларнинг мустақиллик ҳақидаги самимий шукроналарини эшитиб, бошим осмонга етди.

**Гайрат МАЖИД,**  
шoir:

— Ўлкамизнинг қай бир ҳудудига бормаилик, катта ўзгариш ва юракларни фахру ифтихорга тўлдиргувчи бунёдкорликларга гувоҳ бўлаяпмиз. Мана, бугун ҳам шундай жаннатмонанд гўшада кўрган, эшитганларимиз биз ижодкорларга илҳом бағишлайди, янада фаолроқ бўлишга ундайди.

➔ 2 ➔

## Ушбу сонда:

11 нафар инсон ҳаёти асраб қолинди .....	2
Журналистлардан... кўнгли	
тўлмаётган боғбон .....	3
Ота-она ҳаёт, болалар эса .....	5
Бодомнинг зарари йўқми? .....	6
Айбини бўйнига олмаган кув .....	7
Тўйдан кейин ҳам ҳаёт бор-ку! .....	7
Бир галаба, бир мағлубият. Энди-чи? .....	8

## Истиқлол гурунглари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дарҳақиқат, куни кеча Китоб туман ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган байрамолди учрашуви ўзига хос маънавий-маърифий гуруннга айланиб кетди. Энг эътиборли жиҳати, тадбир меҳмонлари — шу ғўшада таваллуд топган ва бугунги кунда пойтахтимизда яшаб, ижод қилаётган бир гуруҳ қаламкашлар ҳамда санъаткорлар эди.



— Бизнинг халқимиз учун энг қадри ва муқаддас байрамлардан бири, шубҳасиз, Мустақиллик кунидир, — дейди Китоб тумани ҳокими **Узоқ ХУДОЙКУЛОВ**. — Мамлакатимиз харитасида мўъжазгина жойни эгаллаган Китоб туманида бу улуг сана арафасида “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шiori остида мазкур маънавий тадбирнинг уюштирилишидан кўзланган асосий мақсад буюк истиқлолимизни улуглаш, мадҳ этиш ҳамда шу орқали ёшларимиз онгига Юртобшимиз раҳнамолигида барча

соҳаларда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ сингдиришдан иборат.

Тадбир дастури доирасида Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги 3-сонли академик лицейида ўтказилган учрашув чин маънода истиқлол фарзандлари — бу йилги битирувчилар учун ажойиб совға бўлди.

— Уйлайманки, бугунги кеча ўқув масканимиздан учирма бўлаётган битирувчи қалдирғочларимиз хотирасида бир умр муҳрланиб қолади, — дейди лицей директори **Неъмат ХУДОЕВ**. — Негаки, республика фан олимпиадаларида фаол қатнашган 45 нафар ўқувчимизга аъло ўқиши ва намунали хулқи учун берилган имтиёзли дипломлари таниқли ижодкорлар тантанали суратда топширдилар. Насиб этса, улар ўзлари танлаган олий ўқув юртиларига кириб, бундай шарафли ишончни оқлайдилар.

Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ўлмас Саиджонов**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари **Махмуд Сатторов**, **Жаббор Халил**, **Рустам Мусурмон**, **Инобат Ойдин**, **Ғайрат Мажд**, **ЎЗМУ** доценти **Юсуф Ҳамдамов**, ношир **Ибодулла Шоймардонов**, хонанда **Олимжон Мирзаев**, шоир ва журналистлар **Юнус Узоқов**, **Мусаллам Умирова**, **Собир Маманов**, **Азамат Сууюнов**, **Марям Аҳмедова** ва бошқалар ҳам лицей ўқувчилари, устоз ва

мураббийлар, ота-оналар ҳузурда ўз кўнгилларидаги самимий дил изҳорларини билдиришди.

Шундан сўнг **Оқсув** зиёратгоҳи ҳамда **Ҳазрати Башир** қишлоғида ўтказилган давра суҳбати ва бадий-маърифий кеча ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Айниқса, улуг зотлар мангу кўним топган **Ҳўжаиспароз** қишлоғида уюштирилган машварт мезбонлар ва мактаб ўқувчилари, кексалар, фахрийларни ҳам тўқинлантириб юборди. 86 ёшга кирган табаррук отахонлар **Очил бобо Рўзиев** ҳамда **мабтўт** **фахрийси Қиёмиддин** ота **Бурхонов** ҳаяжонли хотиралари орқали шахсан **Юртобшимиз** **Ислом Каримов** ташаббуси билан юртимизнинг ҳар бир шаҳар-қишлоғида қисқагина 20 йилда рўй берган тарихий ўзгаришларни эътироф этиб, истиқлолимизни мустақамлаш ҳар бир юртобшимизнинг муқаддас бурчиға айлиниши лозимлигини алоҳида таъкидлашди.

Дарвоқе, юртимизнинг хушманзара ва сўлим ғўшаси бўлиш Китоб туманида ўтказилган ушбу шуқуҳли ва файзли кечган тадбир бадий-муסיқий дастурға уланиб кетди.

**Норқобил ЖАЛИЛ**,  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

### Ёз ўтади соз

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар ёзги дам олиш оромгоҳлариға масъул этиб бириктирилган. Шу боис бугунги кунда компания томонидан кўплаб амалий ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган оромгоҳларға 30 миллион сўмлик мурувват ёрдами ташкил этилди. Ушбу хайрли ташаббусни кўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Темир йўл минтақавий ташкоти томонидан Оролбўйи болалари учун 10 миллион 616284 сўмлик миқдорда хайрия ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, бу йилги ёзги дам олиш мавсумида “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК корхоналари тасарруфидаги оромгоҳларда жорий йилнинг ёз мавсуми даврида темирйўлчилар ва транспорт курувчиларининг 6850 нафар фарзандини соғломлаштириш режалаштирилган. Республикаимизнинг энг сўлим масканларида жойлашган оромгоҳлар — Тошкент вилоятидаги “Қиёрай”, “Бурчи мулла”, “Янги авлод”, Наманган вилоятидаги “Темирйўлчи”, Самарқанд вилоятидаги “Дўстлик” оромгоҳлари тахт қилиб қўйилган. Болажонларнинг кўнгилли дам олиб, маданый ҳордиқчирилари учун компания томонидан барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.  
**Феруза ОРИПОВ**

## 11 нафар фуқаро кутқарилди

... 27 май куни соат 12 дан 04 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ марказий диспетчерлик хизматиға пойтахтимиздаги Учтепа тумани Чилонзор 24-даҳаси, 41 уйнинг биринчи кириш йўлағидан тутун чиқётганлиғи тўғрисида шовилчин хабар келди. Санокли лаҳзалар ичида Учтепа тумани ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХБ Республика иختисослаштирилган отряди (РПО)дан 1 та ёнғин ўчириш экипажи ёнғин содир бўлган жойға етиб боришди. Катта инструктор, капитан **Фарҳод Хайитбоев** бошчилиғидаги экипаж аъзолари зудлик билан вазиятни ўрганиб, уйнинг олд томонидаги 1-йўлакнинг 2-3-4 қават деразаларидан очик аланга, 4-5 қават деразаларидан эса куюк тутун чиқётганлигини кўргач, диспетчерлик хизматиға қўшимча яна 2 та ёнғин ўчириш экипажи ва автотарвонни ёрдамға юбориш кераклигини маълум қилишди.

Ўз вақтида олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида Учтепа туманининг ёнғиндан муҳофаза қилувчи 17-ва Шайхонтоҳур туманининг ёнғиндан муҳофаза қилувчи 13-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиғи қисмларидан 1 тадан ёнғин ўчириш экипажи хизматчилари ҳамда Чилонзор туманидаги 16-ЎХКдан 1 та автотарвон воқеа жойиға ўз вақтида етиб келиб, биринчи навбатда кексалар ва болаларни кутқаришға киришдилар. Шундай қилиб, “тилсиз ёв” домидан жами 11 нафар инсоннинг ҳаёти асраб қолинди.

**Мурод АГЗАМОВ**,  
**Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ катта муҳандиси, майор.**

## ФҲДЁ ҲАЁТИ

Кўп миллатли Мирзачўл тумани ФҲДЁ бўлими ходимлари “Ёш оила қурувчилар мактаби” машғулотларини ўтказиш орқали йигит-қизларимизнинг маънавий, ҳуқуқий, тиббий, ижтимоий-иқтисодий билимларини юксалтириш, уларни турмушдаги айрим муаммолар ечимини топишға ўргатиш, ҳаёт сабоқларидан баҳраманд этишға интилишмоқда. Уйлаймики, бу борада сезиларли натижаларға эришиляпти.

**Дилноза Норқолова**  
**Мирзачўл туман ФҲДЁ бўлими мудир.**

## Раҳбар аёллар учрашуви

Юртимизда эришилаётган улкан мувафқиятлар замирида хотин-қизларимизнинг ҳиссаси ҳам беқийёс. Бугун қайси бир соҳани олмайллик, раҳбарлик лавозимда ишлаётган ола-сингилларимизға дуч келамиз. Бир неча йилдан бери республикамизнинг турли ҳудудларида “Раҳбар аёллар” клуби ҳам фаолият юритиб келмоқда.

минлаш юзасидан қилинаётган ишлар бўйича атрофлича фикр алмашдилар. Биргина Бекобод туманида шу йил бошидан буён 100 дан ортиқ аёллар тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолиятини бошлагани фахр билан тилға олинди.

Шу кунги тадбир иштирокчилари гимнастика бўйича 9–12 ёшли қизлар орасида ўтказилаётган “Олимпия умидлари” республика очик турнири очилиш маросимида қатнашдилар. Охириги икки-уч йилда Бекобод шаҳрида гимнастикачи қизлар 80 нафардан 500 нафаргача кўпайгани ёшларға спорт билан шугулланиш учун яратилган шартшароитнинг яққол самараси сифатида талқин этилди. Таъкидлаш жоизки, мусобақа голиблари Туркияда ўтказилаётган халқаро турнирға қатнашиш имкониятини кўлга киритишди.

**Турдикул НОРМАТОВ**,  
“Оила ва жамият” муҳбири.

Тошкент вилояти



Тошкент вилояти миқёсидаги бу галги учрашув Бекобод шаҳрида бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоятнинг барча шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмитаси раислари ва раҳбар аёллар иштирок этиб, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъ-

билан машғулотлар олиб борилмоқда. “Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари”, “Шарқона одоб ва ахлоқ, миллий қадриятлар”, “Эр ва хотин мол-мулкнинг шартомавий тартиби”, “Дин ва виждон эркинлиғи”, “Қариндошлар ўртасида ва эрта тузилган никоҳларнинг салбий оқибатлари”, “Ўз ҳуқуқини билган қулликка рози бўлмайдми” каби мавзулардаги машғулотлар қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтапти.

## АДЛИЯ ФАОЛИЯТИ

### Оилалар — давлат муҳофазасида

Мамлакатимизда оилаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича самарали тизим яратилган. Жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий ахлоқий муҳитни қарор топтириш мақсадида “Оналик мактаби”, “Тиббий ишлар асоси”, “Балоғат даври”, “Ёш оила мактаби” каби бир қанча дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётға татбиқ этилмоқда.

Жамият тараққиёти оила тотувлигидан бошланади. Агар оилалар аҳиллик, бирдамликка дарз кетса, пиروвардида бундан жамият зиён кўради. Шундай экан, ёшларни оилавий ҳаётға тайёрлаш вазифаси гоят долзарб бўлиб турибди. Бу борада “Оила дорилфунуни” машғулотлари яхши самара бермоқда. Жорий йилнинг беш ойи давомида 92 та тадбир ўтказилди, уларда 3450 нафар тингловчи қамраб олинди. Шу даврда 6749 та (ўтган йилнинг айна мuddатидагиға нисбатан 1389 та кўп) никоҳ қайд қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мавжуд қонунларимизда фақат янги қурилган ёки ёш оилалар эмас, балки жамиятимиздаги ҳар бир оиланинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи қамраб олинган бўлиб, бу оилаларнинг давлат муҳофазасида эканини англади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш орқали биз адлия ходимлари нафақат зиммамиздаги вазифани адо этамиз, шу билан бирга, халқимиз фаровонлиғи ва юртимиз раванқига ҳам ҳисса қўшамиз.

**Ф. Қўлдошев**,  
**Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

## “Ёш оила қурувчилар мактаби”

### машғулотларда икки минг нафар йигит-қиз қатнашмоқда

Оилалар мустақамлиғи Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиғи асосидир. Шу маънода жамиятимиздаги ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш, никоҳ ёшидаги йигит-қизларнинг тиббий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жуда долзарб масала саналади.

Туманимизда “Ёш оила қурувчилар мактаби” ташкил этилган бўлиб, машғулотларға 4 та касб-ҳунар коллежнинг 3-босқич

талабалари, балоғат ёшидаги бошқа йигит-қизлар ҳам жалб этилаётди. Машғулотлар туман прокуратураси, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бўлимлари, туман хотин-қизлар кўмитаси, “Қамолот” ЁИХ вакиллари ва қишлоқ фуқаролик йиғинлари фаоллари иштирокида ўтказилмоқда.

2009–2010 ўқув йили давомида “Ёш оила қурувчилар мактаби”да 1979 нафар йигит-қиз таҳсил олган бўлса, 2010–2011 ўқув йилида эса 2000 нафарға яқин ёшлар

— Онажон, мен сизни, уй-мизни, она юртимни жуда соғиндим. Ўзбек тилимда гаплашишни соғиндим. Шунинг учун Сиз кўпроқ гапиринг, — дерди ўғил.

Она фарзандига жуда кўп гаплар айтмоқчи эди. Боласининг овозини эшитгач, ҳаммаси ёдидан кўтарилди. Ҳар гал шунақа бўлади. Беш йилдирки, она-бола фироқда. Океан ортидаги олис юртга илм олгани кетган ўғли билан ҳаво тўлқинлари орқалигина гаплашади. Шундан ҳам кўнгиллар биров таскин топади, соғинч ҳовури босилгандай бўлади. Бунинг устига, она замонавий, тушунган, оқила аёл эмасми, «Чинда бўлса ҳам илм олинглар» деган пурхикмат сўзларни кўп ёдга олади. Ахир, ўғли беҳуда юргани йўқ-ку! Эр-тага бу тезкор замоннинг энг сара илмларини олиб, юрти корига ярайдиган бўлиб қайтади, насиб этса.

— Сизнинг ўғитларингиз доимо кулогимда, меҳрингиз менга куч-қувват бағишлайди, сиздай онам борлиги билан фахрланаман, — дейди ўғил онанинг айтмоқчи бўлган гапларини уққандек.

— Иссиқроқ кийиниб юр, болам, ўз вақтида овқатлангин, хўпми?..

Оназор... ўғли эр етган ўлса ҳам, унга ҳамон болалигидагидек дамхўрлик қилади. Чинг ўғли қобил йигит бўлди. Болалигидан китобга меҳр кўйди. Она ўғлининг шу қадар китобга муқасидан кетганидан хавотирга тушган пайтлари ҳам бўлди.

— Сен ҳам бошқа болаларга ўхшаб мундай кўчага чиқсангчи...

Умиджон мийғида кулиб кўярди, холос. У Гулистон шаҳридаги хорижий тиллар лицейида ўқирди. Инглиз тилини ўрганишга қизиқарди. Бошқа фанлардан ҳам факат аълога ўқирди. Ушанда 2002 йил эди. Уйга қувониб кириб келди. Буюк Британия халқро коллежлар

...Телефон жиринглади. Онанинг бутун авзойини титроқ босди. Гўшаки оларкан, болажонининг овозини эшитгач, томоғига бир нарса тикилгандек бўлди, гапиролмай қолди, кўзига ёш куйилиб келди. Она фарзандини жудаям соғинганди. Шунинг учун ҳам тили калимага келмас, ўғлининг «Онажон, ассалому алайкум, мени эшитаяпсизми, нега индамайсиз?» деган сўзларини ун чиқармай тингларкан, ўзини жуда тез кўлга ола билди, овозига сокин тус бериб, «Ҳа, Умиджон, сени эшитаяпман, яхши юрибсанми, болам?» дея сўраша кетди.

# Бугуннинг аёли



қўмитасининг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан ўтказилган танловда голиб чиқиб, грантни кўлга киритибди. Энди Ҳиндистондаги Махиндра халқаро коллежиде икки йил тахсил оларкан.

— Сизларга муносиб фарзанд бўлишни хоҳлайман, — деганди ўшанда Умиджон жўнаб кетаркан. — Опам иккимизни юрак кўрингизини бериб, кечаю кундуз қалам тебратиб, ҳалол ризқ билан ёлғиз ўзингиз вояга етказдингиз. Бу меҳнатларингизни оқлай олсам эди...

Она шаънига олис Ҳиндистондан раҳматномалар ёғилди. Уларда ўзбек боласининг одобда, ўқишда ҳар томонлама ўрнат бўлаётгани айтилганди. Умиджон халқро коллежни аъло баҳолар билан тамомлаб, Канадада Эдмонтон шаҳрида жой-

лашган Альберто университетининг халқро грантини кўлга киритди. Салкам 40 минг талаба билим оладиган мазкур халқро университет пештоқида ҳам биргина ўзбек йигити шарофатга Ўзбекистон байроғи ҳилпирай бошлади.

Умиджон Абдуллаев ҳар сафар чўгдай ёниб турғувчи байроққа кўз ташларкан, юрагидеги Ватан соғинчига таскин топгандай бўлади, қувват олади. Беш йил давомида ўзи танлаган архитектура ва дизайн йўналиши бўйича хорижда пухта билим олган Умиджон ота-онаси, қолаверса, қадрдон устозлари ишончини оқлаб, уларнинг умидларини рўёбга чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. У айни пайтда илмий изланиш билан бирга, Канададаги нуфузли архитектура ва дизайн компания-

сида фаолият кўрсатмоқда. У яхши рассом, адабиётни, тарихини яхши кўради. Бу хислатлар унга шеърятга муҳаббати баланд, ўткир қалам соҳибаси, журналист онаси Холида Пардабоевдан ўтган, десак янглишмаймиз.

Сирдарёда ижодкорлар ҳақида гап кетса, бир жойда энг узоқ ишлаган, фидойи, моҳир, тажрибали аёл журналист сифатида Холида Пардабоева тилга олинади. У салкам 35 йилдирки, вилоят газетаси «Сирдарё ҳақиқати»да самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Вилоятда унинг қадами етмаган қишлоқ ва маҳалла, билим даргоҳлари, маданият ва маънавият, тиббиёт муассасалари йўқ, десак му-болага бўлмайди. Айниқса, уни сирдарёлик хотин-қизлар жуда яхши билишади, ҳурмат қилишади. Чунки бу иқтидорли қаламкаш аёллар ҳаёти, тақдирини, меҳнати, қувончу ташвишларини газета саҳифаларида мунтазам ёритиб боради.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, шу жумладан, ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинаётган она-бола саломатлигини муҳофаза этиш, соғлом фарзандлар туғилиши, жисмоний ва маънавий етук баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган бир қатор қарорлар ижросини таъминлаш, мазмун-моҳиятини халққа тушунтириш борасида журналистлар тизима-

сига ҳам масъулиятли вазибалар кўйилмоқда. Вилоят ахли орасида ана шу фармон ва қарорларни тарғиб этишда Холида Пардабоевнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Бу тиниб-тинчимас қалам соҳибасининг матбуот соҳасидаги кўп йиллик меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Ўзидаги куч-иқтидорни намоён этиб яшаётган Холида Пардабоева эрта тонгдан режалаштирган барча ишларини ниҳоясига етказиб, қадрдон гўшаси — уйига шошади. Зиналардан кўтарилиб бораркан, мазали, ширин таомнинг бўйи бутун йўлакни тутиб кетган бўлади. Демак, Манзураси уйда. Дарсларидан ортиб, тотимли нимадир тайёрлаган кўринади. Боши омон бўлсин қизининг. Бу дақиқа ҳам бўш ўтирмайди. Ё тикиб чатади, ё пишириқ пиширади, ё интернетга кириб ўзини қизиқтирган маълумотларни олади. Ора-чора укаси Умиджон билан ҳам хат ёзишади. Манзура бўлгуси иқтисодчи, Гулистон давлат университети агроиқтисодиёт факультетининг охириги курсида сабоқ оляпти.

Зиналар топ-тоза, йўлак озода. Ҳаммаёқ ярқирайди. Бу аёл деган серқирра бир олмосдан таралаётган нур. У қаерда бўлса, бу нур ўша ерни нурафшон этади. Усиз ҳаёт балки зулматдан иборат бўлар эди. Илоҳим, ҳамма хонадонлар ана шу нурдан мудом чароғон бўлсин. Бир хонадонни обод этиб, ўзи ҳамон эл хизматидан толмаган, юрта баркамол фарзандлар берган Холида Пардабоевнинг иш куну шу тарада ниҳоясига етгани йўқ. Ҳали маҳалладаги аёллар билан йиғилиб, қўшни қизнинг тўйини бамаслаҳат холда ихчам, чиройли ўтказишга бош-қош бўлиши керак...

Баҳор ХОЛБЕКОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.

Сирдарё вилояти

## Қалам ҳақи ва юки

Ўзим оддий боғбонман. Салкам олтимиш йилдан бери даладаман. Тоғли худуд бўлган Чуст туманининг Говва қишлоғида яшайман. Бизнинг жойлар, айниқса, мустақиллик йилларига келиб жуда обод бўлиб кетди. Ҳаммаёқ боғ-роғлар, ажойиб қуришлар, ҳашаматли уйлар... Хуллас, худода минг қатла шукрки, жаннатмонанд юртда тинч, осойишта, аҳил, тўқ ва фаровон яшаяпмиз.

### ФИКР

Энди сизларга гапимнинг индалло-сини айтақолай: жуда кўп журналистлар билан суҳбатлашганман, газета-журнал ўқишни қанда қилмайман. Ўзим спортнинг ашаддий ишқибози бўлганим учун шу соҳадаги шарҳловчилар фаолиятини ҳам кузатиб бораман. Баъзан кўнглим тўлади, баъзан эса...

Ҳар йили Юртбошимиз барча оммавий ахборот воситалари ходимларига касб байрамлари муносабати билан табрик йўллаб, ўзларининг самимий дил сўзлари ва ошқора фикр-мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтади. Шуларни ўқиб, менинг ҳам кўнглимдан турли хил ўй-фикрлар кечади. Ва ўзим мутолаа қиладиган газета-журналлар, радио ва телевидение орқали берилаётган эшиттириш, кўрсатувлардаги айрим жиҳатларнинг ҳаётдан узоқлигини, бизлар гапириб юрган содда тилдан узоқлашиб кетаётганидан сал хижил тортаман. Тўғри, ҳозир нима кўп, газета-журнал кўп. Кеча эшитдим, шекилли, уларнинг сони мингдан ошибди. Шундай бўлгандан кейин табиий равишда рақобат ҳам кучаяди-да.

Мен бу билан нима демакчиман: биламан, кейинги ҳафта байрамларингиз нишонланади. Илтимосим, бу гапларим сизларга малол келмасин. Масалан, деҳқончиликда нима экиншингиздан қатъи назар, ер ҳақини оқлашингиз керак. Сизни едириб, ичириб, кийдираётган она тупроққа меҳр қўйишингиз шарт. Сал бепарво бўлсангиз, таом, ризқингиз қийилади.

Шундан келиб чиқиб айтаманки, Оллоҳ сўз ва қаламга сунямқдек оғир юкни кўтармоқни сизларнинг пешонангизга битиб қўйган. Бу ҳар қимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган иш, азизлар. Сизлардан ўтинчим, ана шу қалам қабл билан қалам юкни чалқаштириб қўйманг, эл-юрт ишончини оқланг. Биз ўзимизнинг қувонч-ташвишларимизни сизлар тутган кўзгуда кўриб, сунанайлик, ўйлайлик, фикр қилайлик!

Дагарали СОАТОВ,  
боғбон.

Наманган вилояти

### ЭҲТИРОМ

Дунёдаги энг мўътабар ва азиз зот — Она ҳақида ҳар биримизнинг айтадиган гапларимиз, дил изҳорларимиз бор. Зеро, баримизнинг волидамиз ўзимиз учун ҳаммадан оқила, ҳаммадан меҳрибон ва гўзалдир. Фарзанд доимо онасида ҳеч қимда йўқ хислатларни, фазилатларни кўргуси келади, топади ҳам...

Волида муҳтарамимиз Муҳаббат Туробова узоқ йиллар матбуот соҳасида ишлаб, журналистикадек масъулиятли ва шарофли касбнинг нонини еган. Ўттиз йилдан ортик республикамиз зиёлиларининг нуфузли газетаси — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлади. Онанинг ижод намуналари фақат ўзи ишлаётган нашрда эмас, балки «Шарқ юлдузи», «Саодат», «Гулхан» каби журналлар, «Халқ сўзи», «Тошкент оқшоми» сингари газеталарда чоп этилган. У киши 1994 йили нафақага чиққан бўлса-да, аммо ижод қилишдан, қалам тебратилишдан тўхтамади. Матбуот билан доимий алоқада бўлди. Оиламизда ёки теварак-атрофда юз бераётган ҳар бир воқелик шеър ё ҳикояга кўчарди.

## «Меҳрим меваси»

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну онажонимиз тўфайли оилавий байрамига айланиб қолган. Яқинлашиб келаётган ушбу сана биз учун қўшалок байрам бўлиши шубҳасиз. Гап шундаки, яқинда волида муҳтарамимизнинг «Меҳрим меваси» тўплами чоп этилди. Биз фарзандлар китобдаги шеър ва ҳикояларнинг бадиий жиҳати, ютуқ ва камчилиги ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Шунчаки касб байрамлари баҳонасида қувончимизни ошқор этмоқчимиз, холос.

Ҳозирда волидамиз олти мучалнинг устида, табарруқ етмиш икки ёшда. Шунга қарамай, навбатдаги янги китоби устида ишлаяпти. Яна кўпга янги-янги ижод намуналарини китобхонларга тўхфа этаверсин, дея тилак билдирамиз.

Саодат РАҲИМОВА

## 15 июлгача давом этади

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъат фестивали совриндори ёш рассом Дилшод Эшматовнинг «Дил изҳори» номли шахсий кўргазмаси очилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форум» жамғармаси, «Ижод» рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур кўргазмадан истеъдодли мусаввирнинг юзга яқин турфа жарндаги асарлари ўрин олган. Унинг ишлари Ҳиндистон, АҚШ, Швейцария, Япония, Россияда ҳам намойиш этилиб, мутахассислар ва мухлислар томонидан юқори баҳоланган. Дилшод Эшматовнинг «Чистон», «Бахт», «Соғинч», «Тонг», «Таманно», «Болалик», «Дил изҳори» сингари бир-биридан гўзал ва бетакрор асарларида мазмун ва шакл, оҳанг ва ранглар жиљоси ўйгунлашиб, ўзига хос рамзийлик акс этган. Кўргазма 15 июлгача давом этади.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.



“Киз бола — палахмон тоши”, “Борган жойида тошдай қотсин!” Ҳа, албатта, шу оддийгина тошни ҳам аввал аниқ мўлжалли олиб, кейин отамиз. Лекин тирик жон, киз боланичи?

Яқинда бир дугонами йўқлаб касалхонага бордим. Икки кишилик хонада дугонам ҳамроҳи (кўзларида маъюслик боқиб турган, жуссаси кичкина қизча) билан даволанаётган экан. “Яхшимсан, қизим, сен ҳам шамоллаб қолдингми, юпқа юрасизлар? ахир, сизларга мода кераг-а?” десам, ҳеч ажабланмай: “Йўқ, мен хомиладорман, бир ойлик. Камқонлигим туфайли тушиш эҳтимоли бор экан, олдини олиш учун даволанаяпман”, деганини эшитиб... ҳайратдан қотиб қолдим. Ишонасизми, мен уни қизим тенги, мактаб ўқувчиси деб ўйлабман-да. Қизиқувчанлигим туфайли дугонам қолиб, ҳамхонаси билан суҳбатга берилиб кетибман.

— Оилада тўрт қизимиз. Уч онам турмушга чиқиб кетган. Хозир мен 19 ёшдаман. Коллежни тамомладим. Ойимнинг яқин бир дугонаси бор эди. Уйимизга тез-тез келиб турарди. Тўй бўлишига ҳам аслида шу аёл сабабчи. Чунки у мени бир қариндошига мўлжаллаб юрган экан. Мен эса яна ўқишни, олий даргоҳ талабаси бўлишни истаганини айтдим. Бироқ “Аёлнинг макри қирқ туяга юк”, деганларича бор экан. Ўша хотин ота-онамга тескари маслаҳат берди. “Киз бола ҳоли билан ўқиб, сизларга қалъа олиб берарми, ана ўғлингизни ўқитинг, шундан фойда”, деган “жўяли маслаҳатлар” билан ота-онамни тўй қилишга кўндирди. Тўй ҳам тезлашиб кетди ва бир ҳафта ичида ўтди. Кудан томон шунақа шошилтирдик, ҳатто ФХДЭ бўлимидан расмий никоҳимизни қайд эттиришга ҳам руҳсат беришмади (шайтон кўзимни боғлади, деган гапга шунда ишондим). Бу қистовларнинг сабаби ва самарасини тўйдан кейин тушуна бошладим. Турмуш ўртоғим кечалари ётишга қийналар, тинмай йўтал тутиб қолар, дори ичиш билан тонг оттирар эди. Кейин билсам, у сил (ўпка) касал бўлиб, шифокорлар назоратида турар ва тез-тез даволанар экан... Мен эса орадан кўп ўтмай даҳшатли хатога йўл қўйганимни англаб етдим. Ва ич-ичимдан кўрқинч аралаш бир титроқ келар, кўксимдан фарёд отилиб чиқай дерди. “Нега, нима учун? Айбим нима? Нега бошқа кизлар каби соғлом йигитга турмушга чиқиб насиб этмади? Нега бахт мендан юз ўгирди? Мен шунга лойиқманми? Энди нима қиламан?” деган саволлар миямга тинчлик бермасди. Лекин энди

кеч, палахмон тоши аллақачон отилиб бўлган эди. Яна денг, мўлжалсиз, хато отилди, энди унинг тош қотиши қолди, холос. Аммо ўша тошни ҳам бир жойда қотишига йўл қўймайдиганлар, чайқаб, туртиб кўрувчилар ҳам бор экан. Тақдирга тан беришдан бошқа иложим йўқ эди. Энди билсам, тўйдан аввал маҳалламиз маслаҳатчилари, кайвониларининг

ўлчовли, ейишдан камайиб қолишидан кўрқасан. Очлигимдан, яна дорилар ҳидидан туни билан ухлолмай чиқардим, ўз уйимдаги овқатларни, нонни соғинардим. Уйга борсам, ота-онамнинг олдида ўзимни кулиб, хурсанд қилиб кўрсатишга уринардим. Уларнинг назаридан мен бахти тўқис, ўзидан тинган киз бўлишни истадим. Лекин ичимда бир овоз бақариб-бақариб йиғла, енгил тортасан, дейди. Бундай қилолмадим.

Турмуш ўртоғим ҳайдовчи,

## БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

# Палахмон тошини отишга шошилманг!

“Шошманглар, бу ахир умр савдоси, аввал куда томонни сўраб-суриштирайлик, йигит билан киз тиббий кўриқдан ўтиб соғлиқларини билиб олсинлар”, дея қуйиб-ёнишлари бежиз эмас экан. Тасаввур қилинг, бир ой ўтмай уйга қайтиб борсам, маҳалладагилар ўзимни гуноҳкор ҳисоблашарди. Ахир, уларга эрим шундай, силга чалинган экан, деб айтолмасдим-ку! Ота-онамнинг юзини ерга қаратиб, уйга боролмайман, қолаверса, уйланадиган укам бор... Уф...

Шуларни ўйлаб-ўйлаб, пешонамга ёзилгани шу бўлса керак, энди орқага йўл йўқ, деган қарорга келдим. Ва шу уйнинг ўти бўлиб кириб, кули бўлиб яшайман, деб ўйладим...

Янги келинман, қўйлақларим янги, ҳар куни ҳар хил кийингим, эримга чиройли кўрингим келади. Бу эса қайнонамга ёқмади: “Уйда эски-тускиларингни кийиб юравер, сенинг кийинишингга қараб, қизларим ҳам хархаша қилаяпти, қўйлақларингни кўз-кўз қилишинг шартми?” деди. (Қайсингилларим мендан бир-икки ёш кичик).

“Хўп” деб кийинишни қанда қилдим. Дастурхон атрофда ўтириб, қўл чўзишим билан “Нон ҳам кўп ейиладиган бўлди, ун ҳам оз қолди”, деган таънали гапни эшитаман. Бу уйда ҳамма еган нарсанг

аммо яхши пул топмас экан. Қайнонам ўғлини ҳадеб ёнига чақириб пичирлашар, мени кўришлари билан гап узилиб қоларди. Бир куни эрим тонг отгунча нафас ололмай йўталиб чиқди, ўпкаси сиқилди. Эрталаб қайнонамга айтсам, у киши: “Тўй қиламиз деб бор-йўғимизни сотдик, энди доригаям пул қолмади. Раҳминг келган бўлса, сирга-узугингни сотда, даволат”, деб қўя қолди. Қайнотамга эса ёз ҳам ёз, киш ҳам ёз. Қорни тўйса, қурбон ҳайит, дейдиганлардан. Охири қараб туrolмадим, уйдагиларимга ҳам сездирмай никоҳ узугимни, сирғамни сотиб, эримнинг дори-дармонига ишлатдим...

Бу орада бошим айланиб ўзимни ёмон ҳис қиладиган, тез-тез уйку босадиган бўлиб қолдим. Шифокор кўригига борсам, бир ойлик хомилангиз бор экан, деди. Бу хабарни эшитиб, қувонишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмайман. Чунки энди мен овқат ҳиди ёқмайдиган, ма-

зали нарсаларга ўч бўлгандим. Шуларни эримга айтсам, “Ўзи сенинг томоғин ёмон, ҳамма еган овқатни еявер!” деб жержиб ташлади.

Шу зайдда кунлар ҳам ўтаверди, мен эса лоҳас, бемажол бўлиб боравердим... Бир куни... хушимдан кетганимни зўрға эслайман. Кўзимни очсам, касалхонада ётибман. Билишимча, қайнонам ота-онамга “Кизларинг касал экан-ку, биздан яширибсизлар-да”, деб нўписа ҳам қилишибди. Мана, энди ота-онам мени даволатиб, уйимизга олиб кетмоқчи. Мен эса икки ўт орасида қолдим. Қайтиб бораё десам, бир умр касал эр билан яшай олмайман, қайтиб борсам, ота-онамга дард бўламан. Нима қилишимни билмай бошим қотди. Кўз очиб кўрган эримгами? Қорнимдаги беғуноҳ гўдакками? Бахтимни кўришни истаган ота-онамгами ёки ўз қадримгами? Қай бирига йиғлай, қай бирига қуяй?! Нима қилай, менга маслаҳат беринг, олажон?

...Тўйи ўтганига эндигина уч ой бўлган бу ёш келинчакнинг гапларини эшитиб, ёқамни ушладим. “Ҳайф сизга, шундай келин, шундай киз, беғам ота-оналар”, дегим келди. Сизнинг шошма-шошарлигингиз, лоқайдлигингиз туфайли бири ёш оила барбод бўлаяпти-ку! Нега томошани бўлиб қараб ўтирибсизлар? Қалблар бир-бирдан совида. Нима учун бунчалар бефарқсиз?

Кўзингизни каттарок очинг, қайси аср да яшаяпсиз? Ахир, бугун юртимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқ, манфаатларини, қолаверса, ҳеч бир бойлик билан ўлчаб бўлмайдиган сихат-саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш билан боғлиқ қанчалар қонулар, фармон қарорлар қабул қилинаёпти. Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизнинг чекка худудларида яшаётган аёлларнинг, шу жумладан, болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар замирида биринчи навбатда ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, шунингдек, тиббий маданиятни янада кучайтиришдек истиқболли гоёлар, дастурлар ётибди. Демак, ҳар биримиз юқорида келтирилган аламли ҳаётий ҳикоядан ўзимизга тегишли хулоса чиқармоғимиз шарт. Ўғлингизни эрта уйлантириш ёки қизингизни эрта турмушга чиқаришга шошилманг.

Насиба МАШАРИПОВА,  
«Маҳалла» хайрия жағмарасининг  
Хоразм вилоят Янгибозор туман  
бўлими бош мутахассиси.

## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Ёлгончи одамдан  
вафо кутмагин. Бу  
кўп синалган кўхна  
сўзidir.

\*\*\*

Икки нарса элни  
тутиб туриш учун  
маҳкам боғичдир:

Бири ҳушёрлик ва  
зийраклик, бошқаси  
эса адолатдир!

Юсуф Хос Ҳожиб

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ АРХИВ ИШИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан



мамлакатимизда  
фаолият юритаётган  
барча журналист,  
ношир ва матбаачи-  
ларни самимий  
табриклайди!  
Жамият ҳаёти-  
нинг кўзгуси бўлиш-



дек масъулиятли вазифани адо этишда сизларга сихат-саломат-  
лик, журъату жасорат ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.  
Касб байрамингиз муборак бўлсин!

СОҒЛИГИНИГ – БОЙЛИГИНИГ

Маълумотларга қараганда, дунё бўйича кенг тарқалган касалликлар орасида депрессия етакчи ўринда тураркан. Мутахассислар бундай руҳий зуриқиш замирида қаттиқ кўрқиш ётишини таъкидлашмоқда. Фобия – узок муддат давом этадиган тахлика ҳолати одамни ҳар томонлама кишанлайдиган яширин иллатдир. Йиллар давомида киши руҳиятида махфий илдиз отадиган бу хасталикнинг сабаби, белгилари ва давоси ҳақида амалий психолог Малика ИБРОҲИМОВА билан суҳбатлашдик.

ФОБИЯ:

БАХТСИЗЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ...МИ?

— Ҳадик инсонни хавфдан огоҳ этувчи табиий ҳис бўлиб, маълум вазият тақозоси (машина яқинлашиши, баландлик) туфайли вақтинча юзага келади. Фобия эса доимий, асоссиз кўрқувдир. Ҳеч қандай тахдид бўлмасда, одам мудом тахликада яшайди: мия тўхтамай ишлагани учун уйку қоцади, киши ўзини буш қўлиб, хордик чиқаролмайди, ҳаёт кувончларидан бебахра қолади. Гап ойина жахон орқали намойиш этилган табиий офат ёки бахтсиз ҳодисани, ҳатто арзимас муаммоларни ҳам ойлаб хаёлидан чиқариб юборолмайдиганлар ҳақида келяпти. Фобия юрак қон томир тизимини ишдан чиқариб, беморни одамлардан яқкалаб қўяди. Бундай кишилар сусткашлиги туфайли инсиз ҳам қолиши мумкин. Энг ёмони, кўрқув бир турдан иккинчи турга ўтиб кўпаяверади: аввал пулсизликдан кўрққан одам кейин шарманда бўлишдан кўрқади ва ҳожазо.



— Фобиянинг асл сабаби нима?  
— Одам тахдиди ҳомила давридаёқ онаси орқали ҳис этади. Онанинг сиқилиши, хавотирланиши ҳомилага таъсир қил, туғруқнинг муддатдан аввал, оғир кечилишига олиб келади. Гўдак нотинч, йиғлоқи бўлиб қолди. Иккинчи омил бу — нотўғри тарбия. Бола бўлар бўлмасга кўрқитаверилса, ётим қолиб, ота-она меҳрига тўймаса ёки унга нисбатан ўта талабчан, қаттиққўл бўлинса, ҳадик ҳисси кучайиб боради. Афсуски, аксариятимиз болани тўғри тарбия-

лаш қаттиқ назорат қилиш орқалигина бўлади деб ўйлаймиз. Бу нотўғри қараш. Она табиятан юмшоқ, мурувватли бўлиши, болага руҳий қувват бериши керак. Фарзандларимизни эркалаш, тинчлантириш, дилдан суҳбатлашиб, бирга ўйнаш тарбиядаги асосий вазирамиздир. Аксинча, руҳий таъзияк тескари оқибатга олиб келади: бола қатъиятсиз, тобе, сусткаш бўлиб қолади. Айниқса, ўғил бола тарбиясида она ўзини ўта талабчан тутмаслиги керак. Бу эркаклик хусусиятлари, жумладан, довуоқлик, мардлиқ ва иродани суъсайтиради.

Ота-онанинг ўзи беҳаловат бўлса, жамоатга кам кўшилса, оилада доимий нотинчлик ҳукм сурса, фарзандлар одамлар билан очик мулоқотга киришолмай, фобиядан кўп азият чекади. Яна, ёлғиз фарзандлар, одамлар билан кам мулоқотга киришган, туну кун уйда ўтирган болалар ҳам кўпинча доимий ҳадик билан яшайди. Фақат катталар ичиде ўсган боланинг ақли тез кирса-да, доимо минг хил ҳадик-хавотир қуршовида бўлади. Чунки у катталар каби фикрлаш, хулоса чиқаришга тайёр эмас. Болага шўхлик қилиш, ўйнаш, тенгдошларига қўшилиши тақиқлаш фобия ривожланишига туртки бўлади. Чунки ўйин —

тинчланишнинг энг мақбул йўли. Бола ўйнаб вақтини бекорга сарф қилмайди, аксинча, шу тариқа ўсиб-ривожланади. Унутманг, боланинг нафақат ҳаётда, балки руҳияти ҳам мурғак. Уни ноҳуш хабарлар, жамиятдаги хунук воқеа-ҳодисалар, табиий офатлар муҳокамасидан эҳтиётлаш зарур.

— Кўрқмасликнинг имкони йўқ-ку, фобиянинг олдини олиш мумкинми?

— Албатта, мумкин. Касаллик профилактикаси ҳомила давридан бошланиши керак. Чунки катта одамни бу дарддан фориғ этиш жуда қийин. Болани ғамташвиш, муаммоларнинг юкидан саклайдиган муҳим омил — она меҳри. Ички хотиржамлик она сути, тарбияси, оилавий муҳит билан сингади. Ота-она муҳаббатини туймаган фарзанднинг кўнглидаги кемтикликни кўрқув тўлдирди. Ота-она бор-у, аммо бола барибир ўзини эркин сезмаслиги мумкин. Нега? Чунки биз фарзандларимиздан болаликни тез тортиб олаяпмиз. Бола бошидан кечираётган ҳиссиётларга бефарқлик ёки, аксинча, ҳаддан ташқари қунонаверилш, хатти-харакатларини қолипга солиш, уни катта муаммоларга шерик қилиш, йўқ жойдан кир ахтариш, қурби етмайдиган насаларни талаб этиш, тинмай кулоғига панд-насиҳат қўйиш, уялтириш, устидан қулиш каби ҳолатлар мурғак юракка кўрқув уруғини соцади. Афсуски, юқоридеги хатолар ҳаётимизда жуда кўп учрайди.

— Фобияга дучор бўлган болага қандай муносабатда бўлиш керак?

— Бу ҳолатда катталар икки хил хатога йўл қўяди: болани одатдагидан кўпроқ авайлашади ёки, аксинча, уни жазолашади. Фарзанднинг нимадандир қаттиқ кўрқаятиганини билиб, тахликага тушиш ҳам нотўғри. Аввал кўрқув сабабини бартараф этиб, болани кўпроқ банд қилишга интилинг, спорт ёки расм чизишга қизиқтиринг. Ҳар қандай фаолият, айниқса, жисмоний ҳаракат ва ижод асаб тизими ҳамда мушакларни тинчлантиради. Шунингдек, бола бир кунда ўзгариб қолмаслигини ҳам ёдда тутиш лозим. Фарзандларингиз билан бирга дам олинг, ўйнанг, уларга эртақ ўқиб беринг. Болани болалигича қабул қилиш, оилавий низоларни бартараф этиш уларнинг ҳаётда дадил қадам қўйишига туртки бўлади, келгусидаги мустакил фаолиятига мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Гулгун УСМОНОВА суҳбатлашди.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Ота-она ҳаёт, болалар эса... «етим»

...Фурқат Равшанов ва Дилбар Рустомова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2002 йили қонуний никоҳдан ўтиб, улкан орзулар билан оила қурган эди. Кўп ўтмай, ўртада бирин-кетин икки фарзанд туғилди. Аммо оилавий муносабатлари турли арзир-арзимас сабабларга кўра тобора чигаллашиб борарди. Ниҳоят, орадаги муҳим ришта узилди, 2008 йили қонуний ажрашилди. Фарзандлар масаласида ҳам кўп тортишувлар келиб чиқди ва, ахирини, воёга етмаган болалар онасининг тарбиясида қолдирилди. Лекин Дилбар бир ўзи рўзгор тебрата олмай, ишлаш учун ноилож хорижга кетди. Фарзандларини таниши Нурой Жонтемировага қолдирди. Шу тариқа ўз ота-онаси ҳаёт бўла туриб ёш болалар бегона кишилар қарамоғида қолиб кетди. Бундай вазиятда Фурқат тўғри қарорга келди ва фарзандларини ўз тарбиясига олиб бериш тўғрисидаги даъво ариза билан судга мувожаат қилди. Зотан, Оила кодексининг 73-моддасига мувофиқ, ота-оналар болаларини шахсан тарбия қилишда бошқа шахслар олдида устун ҳуқуққа эга, фарзандларини қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Шу боис суд воёга етмаган фарзандларини ўз тарбиясига олиш истагидаги Фурқат Равшанов даъвосини қааноатландирди.

Суд алоҳида яшайдиган ота-оналар ўртасидаги болаларнинг ким билан қолиши бўйича низоларни ҳал этишда Оила кодекси 71-моддасида белгиланган эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигига асосланади. Ҳал қилув қарори воёга етмаган болалар манфаат ва хоҳишларига мос келиши лозим. Ота-онадан биринчи моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла олмайди. Балки боланинг ота-онасидан, ака-укаси ва опа-сингилсидан қай бирига боғланиб қолгани, ота-онанинг қайсиси унга кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётгани, алоқий ва бошқа шахсий фазилатлари, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароит (маълумот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва б.) яратиш имконияти эътиборга олинади. Суд қарор қабул қилишда 10 ёшга тўлган боланинг шахсий истагини ҳам назарда тутиши мумкин.

З. АЛЛАБОВЕВ, Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманларо суди раиси.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида

Халқимизнинг ҳуқуқий маданияти йил сайин ошиб бораётгани замирида тарғибот-ташвиқот ишларининг ҳиссаси беқиёс, десак адашмаймиз. Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам мунтазам равишда шу мақсадга қаратилган тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Ўтган ҳафта вилоятнинг бир неча туманларида ёшлар билан учрашувлар ташкил этилди. Берилган саволлардан ҳам навқирон авлоднинг ҳуқуқий саводхонлиги анчайин юксалганини сезиш қийин эмасди. Йигит-қизлар айни пайтда ўзларини ўйлантираётган масалалар уюмасидан малакали мутахассисларнинг миллий қонунчилигимизга асосланган фикрларини эшитишди.

Чирчиқ шаҳрида эса мактаб ва коллеж ўқувчилари орасида ўтказилган «Қонун ва биз», «Сиз қонунни биласизми?» танлови ўз якунига етди. Қолибларга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан эсдалик совғалар ва фахрий ёрликлар топширилди. Бундай тадбир ва танловлар ёшларимизга миллий қонунчиликдан яхши хабардор бўлиш учун қўмақлашиш билан бирга, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш учун ҳам туртки бўлиши шубҳасиз.

Захро КАРИМОВА, Тошкент вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси, Даврон ИБODOВ, Чирчиқ шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси.

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

Кўйидаги ўқув курсларига таклиф этади:	Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўқувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Бисер, яъни муноқот тикиш — 2 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 3 ой ўқиб.	Интернет — 1 ой.
Ҳамшира (тезкор) — 3 ой (амалиёти билан).	
Тиббий массаж — 2 ой, Нуктаги — 1 ой.	
Торт ва пишшириқлар — 2 ой.	
Пижиркилар олий курси — 1 ой.	
Уйғурча, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	
Аёллар саргарошлиги — 3 ой.	
Педикюр, маникюр — 1 ой.	
Саргарошлик — 3 ой.	
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.	
Саргарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).	
Қаштачилик — 3 ой (машинада вышивка).	
Тўқувчилик — 2 ой.	
Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	

Барчаси амалиёт билан Етоқхона мавжуд. Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилди.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томони орасида.  
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72 (18<sup>00</sup>), 225-97-93 18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача.  
ФИЛИАЛ  
Манзил: Ҳамза тумани Фаргона йўли кўчаси, Қўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал Қўйлик кийим бозори. Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (қондузай)

ҚИЗИЛ ПАЛЬМА ЕҒИ

Организмининг А, Е витаминларига бир суткалик эҳтиёжини қондириш учун «CAROTINO» дан 1 оин қошиқ ичтин кифоя.

Сиз ва фарзандларингиз учун табиатнинг бебаҳо тухфаси!

+99890 910-61-11

Гувоҳнома № 003534

Бирга ишлашга ҳамкорликка таклиф этамиз.

2-Тошкент юридик коллежи томонидан Хусанов Рамшид Саипжонович номига берилган Т № 013034 рақамли диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Ўзкоммунўқув-ташкilotчи» республика ўқув маркази «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ»

ўқув курсига таклиф қилади  
Ўқиш даври — 1 ой

Манзил: Тошкент шаҳри Ниёзбек йўли кўчаси, 1. («Минор» метро бекати)  
Тел.: 234-17-08, 343-94-98

Игамбердиев Рустам Тажиевич, Айша Игамбердиева, Игамбердиев Хуснитдин Тажиевич ва Абдусаматова Гульджан Тажиевалар номига расмийлантирилган Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қорасарой кўчаси, Сарик Су то қўча, туп 2,17-сонли уй-жойнинг мерос мулки гувоҳномаси йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ МУБОРАК ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини 27 июнь куни кенг нишонланадиган касб байрамлари муносабати билан самимий муборакбод этади!*

*Бизнинг кўп сонли аҳил жамоамиз ҳам ҳар куни ўнлаб газета ва журналларни мутолаа қилди, радио ҳамда телевидение орқали берилаётган турли хил мавзулардаги эшиттириш ва кўрсатувларни мунтазам кузатиб боради.*



*нинг ўзига хос ҳиссаси бор. Сиз муҳтарам қаламкашларга ҳамиша ҳалоллик ва холислик, ҳақиқат нурлари йўлдош бўлишини тилаймиз.*

**Байрамингиз муборак бўлсин!**



*Халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиб хизмат қилаётган ҳамкасбларимизнинг камтарин меҳнатларини ёритишда журналистлар-*

## Табиат — дорихона

*Она табиатнинг барча ноз-неъматлари инсон саломатлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Биз ўзимиз деярли ҳар куни истеъмол қиладиган мева, сабзавот ва бошқа ўсимликларнинг шифобахлиги, витаминларга бойлиги ҳақида нималарни биламиз? Бугун шу тўғрисида сўз юритмоқчимиз.*



**БОДОМ**нинг мағзи ва мойи шаша моллаш ёки яллиғланишга қарши ва айрим жароҳатларни тезроқ битишида, қувватга киргизишда, ички юмшатишда ниҳоятда фойдалидир. Табобат илмининг султони Ибн Сино ҳазратлари бодом мағзи ва мойини қон туфлаш, йўтал, астмага қарши ишлатишни тавсия этган. Шунингдек, буйрак, қовуқ касалликларида, сийдик йўлларидаги тошларни тушириш учун ҳам буюрилган. Бодомнинг ҳамма турлари жигар, талоқ, меланоқозон йўллари тозалайди. Мягга яхши таъсир кўрсатиб, кўз нуруни ўткирлаштиради. Бундан ташқари, камқонлик, уйқусизлик, бош оғриғи, оёқ-қўллар увишишида аччиқ ёки ширин бодом мағзи ҳамда мойи малҳамдир. Бодомнинг ширин тури гепатитда ҳам қўлланилади.

Агар сизни йўтал безовта қилса, қорнингиз бураб оғриса, ёки асабингиз бузилса, аччиқ бодом сувини 10-15 томчи ичсангиз фойда беради. Бодомнинг мойи терини майинлаштиради, сепкил, хуснбузарларни йўқотади.

Бироқ аччиқ бодом мағзини меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш ҳам зарарли, чунки унда амигалин деган заҳарли модда — гликозид бор.

\*\*\*  
Ҳаммамиз севиб истеъмол қиладиган **БОДРИНГ** ишпаҳа очадиган, сийдик ва ўт ҳайдай-



диган, ички юмшатадиган хусузияга эга. Унинг суви, уруғларидан тайёрланган эмульсияси ва пўсти хуснбузар, сепкил ва бошқа доғларни йўқотиш, офтоб урган, қонгалаш жойларга фойдалидир. Ундан ташқари, бодринг жигар хасталиклари, қовуқ яллиғланганда, томиларни тозалашда, битувларни очиб юборишда қўл келади. Шунингдек, юраги хасталарга ҳам фойдали, унинг таркибидаги йод эса қалқонсимон без фаолияти сусайса, яхши ёрдам беради. Аммо меъёрдан ортиғи қоринни дам қилиб, санчиб қолишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Убайдулло **РАҲИМБЕРДИЕВ**  
тайёрлади.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўзбеклар боримизни йиғиб, тўй қиламиз ёки иморат соламиз. Ҳалол меҳнат билан тоған мол-давлатимизни беҳуда ҳавога совурмай, исрофгарчиликларга йўл қўймай сарфлашни қачон ўрганамиз? Ота-бобларимиз «Мол топгунча, ақл топ», «Пул топишни эмас, ишлатишни бил» қабилидаги ҳикматли сўзларни бежиз айтишмаган, ахир!

## Авалло, пешонасига берсин!

«Қиз йиғиндаги эркаклар», 5-сон

Ойлик маошга кун кўрайдиган оилалар баъзи бир пулдорлардан ортда қолмайман деб қираниб, дангиллама тўй қилади. Сўнг олган қарзларини тўломай, йиллаб косаси оқармай юради. Тўйдан кейин ҳам ҳаёт бор-ку! Ортиқча даҳмазаларнинг ўрнига келин-куёвга зарур рўзгор анжомларини олиб беришни ёки ёшларни уч-тўрт кунга юртимизнинг қадимий шаҳарлари ва баҳаво масканлари бўйлаб саёҳатга юборишни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Бугун келин кўйлақлар масаласи ҳам алоҳида бир муаммо бўлиб қолмоқда. Тўйларда янги келинни очик-сочик кўйлақда кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Аслида, гулдек келинчакни ҳаммага кўз-кўз қилиш эмас, турли назарлардан асрашимиз керакмасми? Мода ораксидан кўйиб, ўзлимизни, ўзбеклигимизни унутиб бораёпмиз. Биз турмушга чиққан вақтлари, бундан тахминан йигирма-ўттиз йиллар илгари қайноналар қиз то-



монга биринчи ўринда чиройли оқ мато олиб келишарди. Бўлғуси келинчаклар ўзига мослаб, ихчам қўйиб тўй қўйлағи тиктирарди. Бу гигиена тарафдан олиб қаралганда ҳам жуда фойдали эди. Ҳозир эса бир кўйлақни бир неча қизлар қияди, яна нархлари осмонда, денг. Уларнинг бирортасида юқумли тери касаллиги йўқ деб ким қафолат бера олади?

Тошкент шаҳрида яшайдиган қариндошларимиз бор, тўй-тантаналарида қатнашиб турамыз. Телевидение орқали ҳам мавзуга оид кўрсатувларни томоша қиламиз. Пойтахтда қиз томон куёвтўранинг уйини қимматбаҳо мебеллар, пардалар, гиламлар билан безатиб бераркан. Оллоҳга шукрки, бизда бундай одат йўқ, бўлмасин ҳам. Келин томонни қийнаб, улар олиб келадиган нарсаларга кўз тикиб ўтириш йиғит кишининг ҳамиятига тегмайди, ахир? Бу фикрларим баҳамжиҳат тортишга интилади. Тўйдан сўнг эрхотин ишлаб, рўзгорни аста-секин бутлаб олаверди. Мухими, уларнинг ягона максади, ҳаракат келтириб турувчи сабаби бўлади. Моделаримиз айтганидек, аввало, ўзларининг пешонасига берсин!

Марзия ФАТТОВА

Бухоро вилояти Фиждувон тумани

Бухоро вилояти Фиждувон тумани

## АЖАБ ОЛАМ

### Ўрама сурат

Тасвирий санъат тарихида Жон Банвард исмли америкалик мусаввир (1815–1891) узулиги 1524 метр келадиган сурат чизиб шухрат қозонган эди.

Кўплаб таниқли инсонлар сафида бўлиш истаги устун келиб 25 ёшли Банвард ҳам ажойиб полотно яратишга киришиб кетади. Миссисипи дарёси бўйлаб 1200 миль масофадаги соҳил манзараси тасвирланган бу ижод намунаси қалин ўрамдаги матога туширилган.



Бир йилдан ортиқ вақт очик осмон остида яшаб ижод қилган Банвард худди саргузашт фильмлардагидек кун кечирарди. У дарё бўйлаб секин-секин юқорилаб бораркан, йўл-йўлакай минглаб эскизлар чизарди. У Луисвиллга қайтгач, ўз студиясини барпо этди ва антиқа эпик полотносини шу ерга жойлаштирди. Ишлаш кулай бўлиши учун Банвард полотнони катта вертикаль роликка ўради. Суратнинг чизиб бўлган қисми яхшилаб қуритилиб, бир вақтнинг ўзига иккинчи томонда турган барабанга ўраб борилади. Иш жараёнини кузатиб борган одамлар расмоннинг ниҳоятда иқтидорли, юксак маҳорат соҳиби эканини гапиришарди.

Асар якунига етгач, яъни 1846 йили картина Луисвиллда кўргазмага қўйилади ва жуда катта муваффақиятга эришади. Банвард бу картинаси билан АҚШ ва Буюк Британия бўйлаб турли танловларда иштирок этади. Асар халқаро элтирофга сазовар бўлади ва мусаввир тез орада анча бойиб қолади.

Банварднинг вафотидан сўнг бу ноёб асар изсиз йўқолди. Охири март кизикувчилар картинани Ватертаунда, Жанубий Дакотада қўришган. Айтишларича, ўша ўрама суратнинг қисмлари декорация ва реквизит сифатида фойдаланилган. Афсуски, бу санъат асарини биз айни вақтда қўриш имконига эга эмасмиз. Ҳатто фото нусхаси ҳам қолмаган. Аммо Банвард издошлари расм чизишининг бу усулини ҳамон давом эттиришмоқда.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

“Ёшлиқни бежиз беғубор фасл дейишмас экан. Мен ҳам ана шундай лаҳзаларда синфдошим Пўлатга кўнги қўйганман. У ҳам буни сезарди. Лекин бу нозик ва сирли туйғуларимни дугоналаримга ҳам билдирмасдим. Ҳатто Пўлат уйимизга совчи юборганида ҳам янгамга секингина “Агар отам рози бўлсалар майли”, дебман. Бу жавобимни янгам бошқача талқин қилиб, “Холнисанинг у йигитга кўнгли йўққа ўхшайди, қизганини бахтсиз қилманлар”, дебди. Отам бу гапга чиппа-чин ишониди.

Нима қилай, дардимни ичимга ютиб қолавердим. Кейин билсам, янгам мени ўзининг узокроқ қариндошига келин қилмоқчи экан. У ёқдан совчи келса, уйдагиларим бирданига кўниб, тўйини ҳам бошлаб юборишди. Шароф ҳеч қаерда ишламас, қайнонам савдо билан шуғулланар экан. Тўйимиздан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас қайнонам осмондан тушгандек қилиб, қани, тўйга кетган сарф-ҳаражатларни эр-хотин икковинг ишлаб топинглар, деса бўладими. Охири боғчага ишга кирдим. Эрим эса пул топаман деб шаҳарга кетди.

Барибир қайнонамнинг кўнглига сира йўл тополмасдим. Ниҳоятда инжиқ аёл эди. Шунда ҳам барча таъна-маломатларига сабр қилиб чидаб келаётгандим. Лекин бир кун... янгам билан бирга уюштирган тухумати ҳаммасидан ошиб тушди. Гўёки мен Пўлат билан пинҳона учрашиб юрармишман. Бу гапни эшитган захотиёқ иккаласига тушунтирдим: ахир, синфдошим аллақачон уйланиб кетган, икки боласи бор, хотинининг кулоғига етса, гуноҳга ботманлар, деб бошим балога қолди. Гап-сўзлар кўпайди, қайнонам ўғлим сен билан яшамайди, деб туриб олгач, ноилоҳликдан қонуний ажрашдик.

Ёшим 28 да. Маълумотим ўрта-максус. Фарзандим йўқ. Ёшимга мос, инсоний фазилат-



ларни қадрлайдиган, мустақил фикрли инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**ХОЛНИСА, Кашқадарё вилояти.**

“Ҳар кимнинг ҳам фарзанди ўз-ўзидан тиниб-тинчиб кетсин экан. Қизим Лайлони не-не умидлар билан Жамшид деган йигитга узатгандик. Улар бир-бирига узукка кўз қўйгандек мос, яна денг, қайнота-қайнонаси ҳам жуда баъмани инсонлар эди. Отаси иккимиз қизимизниқига меҳмонга борсақ, бекаму кўст яшашларини, бир-бирларига бўлган ҳурмат-иззатини кўриб, кўнглимиз тўлиб қайтардик. Шу орада икки-уч йил ўтса ҳамки, улар фарзандли бўлавермади. Дастлаб “Сабр қилайлик, кудажон, ёшлар уч-тўрт йил ўйнаб-қулишсин, бола кўриш қочмайди”, деб уларнинг даволанишига қудаларимиз рози бўлишмади. Охири қудамизга, куёвимизга сал қаттиқроқ гапирдик. Шундан кейингина дўхтирга олиб боришди. Текширув натижаларидан сўнг маълум бўлдики, куёвимиз бепуш экан. Бундан ота-онаси ҳам аввал хабардор бўлган-у, бироқ бизларга сездиришмаган экан.

Наилоҳ, улар қонуний ажрашди. Онаман-да, отаси бўлса аламини ишдан олади, мен эса шу нурийдидамни ўйлаб қаттиқ сиқиламан. Лайлонинг ёши 42 да. Маълумоти олий. Нуфузли ташкилотда хизмат қилади. Фарзанди йўқ. 55 ёшгача бўлган, зарарли одатлардан холи, уйим-жойим дейдиган, диёнати инсон учраса, хабар берсаларингиз.

**ДИЛБАР опа, Тошкент шаҳри.**

“Фарида — курсдошим эди. Абитриентлик пайтимизда битта уйда ижарада яшаганмиз. Ҳовлининг тўридаги хонада йигитлар, уй эгаси билан ёнма-ён хонада эса қизлар турарди. Битта ошхонадан фойдаланардик. Ҳамманинг ўй-фикри ўқишга кириш бўлгани учун китобдан бош кўтармасдик. Фарида эса сахарда туриб, ҳовлидаги бир туپ гилос тағига қўйилган курсини эгаллаб олганча дарс қилиб ўтирарди. Унинг узун сочлари, чарроқ кўзлари ўзига жуда ҳам ярашарди. Вақтли турсам ҳам, унинг жойини эгалламасдим. Фарида ҳам мен учун чой дамлаб қосанида совутиб қўярди. Омадимиз чоғиб, имтиёзли бўлганмиз учун биринчи имтиҳонни аъло баҳога топшириб талаба бўлдик. Бир-биримизга ҳурматимиз, меҳримиз ниҳоят муҳаббатга айланди.

Охири курсда ўқиётганимизда тўйимиз бўлди. Бу дунёда бизлардан бахтли инсонлар йўқ эди гўё. Кетма-кет уч фарзандли бўлдик. Менинг ҳам ишларим юришиб кетди. Нуфузли ташкилотда раҳбар этиб тайинландим. Ҳеч нарсадан камимиз йўқ эди. Лекин минг афсуски, шу орада суюкли ёрим бедаво дардга чалиниб қолди. Бормаган жойим, кўрсатмаган дўхтиру тарибим қолмади. Қисмат шу эканда, энди кўнмай иложим йўқ. Мана, шунга ҳам уч йил бўлди. Фарзандларим ҳозир олий ўқув юртларида ўқишяпти.

Уларнинг бахти, иқболини кўрсам дейман. Нима қилай, барибир ёлғизлик азоби ёмон экан. Ёшим 46 да. Маълумотим олий. Ишим тайин. 40 ёшгача бўлган, қалби пок, уйим-жойим дейдиган, бефарзанд ёки бирор сабаб билан турмушга

чиқмаган қиз чиқса, уйланиш ниятим бор.

**РАШИД, Тошкент вилояти.**

“Олий ўқув юртини тугатиб, ўз соҳам бўйича эндигона ишга жойлашиб, фаолият бошлагандим. Ишхонамиздаги Зухра исми аёл менга онамдек меҳр кўрсата бошлади. Чамаси икки ойлар ўтгач, Дилсўз деган жияни борлигини айтиб, уни бир кўришимни илтимос қилди. Раёйини қайтармадим. Ҳақиқатан ҳам, қиз истарали, гўзал экан. Шундан кейин яна у билан учрашиб юрдик ва охири ёқтириб қолдим. Ота-онаси ажрашиб кетгани учун аммасининг қарамоғида яшаркан. Кейин уйдагиларим билан бамааслаҳат тўй қилдик. Аввалига бийонидек яшай бошладик. Иккита фарзандли бўлдик. Лекин... нима десам экан, уни қоралаб, ўзимни оқласам, эркаклик шаънимга тўғри келмайди. Хуллас, қонуний ажрашдик.

Ёшим 48 да. Маълумотим олий. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Ёшимга мос, зиёли, садақотли, оқ кўнгли, қорақалпоқ аёли бўлса янаям яхши бўларди.

**ТУРДИМУРОД, Қорақалпоғистон Республикаси.**

### ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита муружаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

“Ота-онам автохалокатга учраб, қафо қилгач, бувим билан ёлғиз қолдим. У киши отамдан қолган уй-жойларни сотиб, мени оқ ювиб, оқ тараб, воёга етказди, ўқитди. Ҳамшира бўлиб ишлаб юрганамда Олимжон деган кўнгли ярим бир йигитни севиб қолдим. У ниҳоятда олижаноб, очиккўнгли инсон эди. “Мен касалман, сенинг тенгинг эмасман, келажакнинг ўйла”, деб қунониб таъқилларди. Юракка буйруқ бериб бўлмас экан. Ушл ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмасдим. Бувим ҳам ноилоҳ тўйимизга рози бўлди. Тиббий кўриқдан ўтаётганимизда шифокорлар ҳам ўз ихтиёрим билан хаста йигитга турмушга чиқаётганимга ҳайрон бўлиб, яхшилаб ўйлаб кўринг, дейишди. Қарорим қатий деб сўзимда туриб олдим. Олимжон билан турмуш қурдик. Қизчали бўлдик. Уни ҳар қанча асраб-авайлашимга қарамасдан, ўпка силининг оғир кўриниши экан, узок яшолмади. 31 ёшида вафот этди. Шундан сўнг орадан беш йил ўтгач, “Оила ва жамият” газетасига муружаат қилиб хат ёздим. Менга Навоий вилоятида яшайдиган, хотини қафо қилган, уч нафар фарзанди бор Азиз деган кишининг телефон рақамини беришди. Учрашдик. Унинг ақиллари ҳам маъқул бўлиб, турмуш қурдик. Ҳозирги кунда катта оиланинг бекасима. Сизлардан бир умр миннатдорман.

**НУРИЯ, Бухоро вилояти.**

Зулфияхон Исмоилова 1991 йил 27 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент фармацевтика институтининг фармация факультети 3-босқич талабаси. «Иқтидорли талабалар» ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Фаол қизлар клуби» аъзоси. Узининг бир қанча илмий ишлари ва мақолалари билан турли илмий анжуманларда қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллаган.

## Мустақиллик фарзандлари

— Зулфияхон, нега айнан дори-унонос бўлишни истагансиз?

— Бизни кўпчилик ҳазиллашиб, «фармацевтлар оиласи» деб юради. Аслида ҳам, шундай. Нега десангиз, онам Гўзалой Исмоилова шу Тошкент фармацевтика институтидан кўп йиллардан бери ўқитувчи бўлиб ишлайди. Опам ҳам шу ерда магистратурани битирапти, акам эса бу йил 4-курсни тугатди. Дадам Ахрор Исмоилов тадбиркорлик қилсалар-да, лекин бизнинг соҳамизга бевосита алоқадор бўлган гулчилик билан шугулланади. Уйимизда гулларнинг қирқдан зиёд тури парвариш қилинади. Ҳар бир ўсимликнинг шифобахшлик хусусияти, чет элдан келтирилганларининг эса бизнинг иқлимга мослашишини ўрганиш ҳам бўлғуси дориуноснонинг муҳим вазифаларидан бирига киради. Уйимиздаги суҳбатлар, ўқитиш жараёнлари, лаборатория ишлариға қизиққанам, ўз қўлим билан янгилек яратиш орзуси туртки бўлгани боис 2-курсдаёқ илмий ишга қўл урдим. «Ноорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё» кафедраси профессори, устозим Неймат Олимов билан «Саримсоқ пиёзни экстракция қилишда хароратнинг таъсири» мавзусида илмий иланишлар олиб бориб, «Баркамол авлод йили»га бағишланган талабалар илмий-амалий анжуманида қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгалладим. Бу йил эса устозим Қудрат Убайдуллаев билан испан артешок ўсимлиги билан дори яратиш ва стандартлаш бўйича илмий тадқиқот олиб бораямиз. Бу ўсимликни ўстиришда агроном Омон Жўраев бир гектар ер ажратиб, катта ёрдам бермоқда. Тадқиқотларим мавзулари юзасидан ўнга яқин илмий ма-



қолаларим чоп этилган. Биласизми, одам нафақат назарий билим билан чекланиб қолиши, балки ўрганган нарсасини амалиётда ҳам синаб кўриши керак экан. Мен илмий иш жараёнида ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, кўпгина қизиқарли маълумотлар, билимларга эга бўлдим. Анжуманларда қатнашиб эса мени янада олға илдамлашга, янгидан-янги кашфиётлар, изланишлар қилишга ундапти.

— Ҳозир кўпчилик, айниқса, ёшлар ҳамма ишга улгуриш учун вақти етмаётганидан нолийди. Лекин кузатсангиз, кўча-кўйда, интернет-кафеларда кун бўйи бўш ўтиришганига ғувоҳ бўламиз. Сизнинг кун тартибингиз қандай?

— Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Фақат вақтни тўғри тақсимлай билиш керак. Масалан, мен ҳар кун эрталаб

## МЕН — 20 ЁШДАМАН!

вақтли туриб, спорт билан шугулланаман. Кейин дастурхон тайёрлаб, уйдигилар билан бирга нонушта қиламиз ва шу баҳонада бироз суҳбатлашиб олишга ҳам улгурамиз. Кейин эса институтга шошиламан. Дарсдан чиқиб, «Фаол қизлар клуби» тадбирларида қатнашаман. Клубимиз билан биргаллик нафақат ўқув даргоҳимизда, балки бошқа олий ўқув юртлари, коллеж ва академик лицейларда уюштирилётган тадбирларда хотин-қизлар масаласи, фан, соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик, ҳуқуқий маданият мавзуларига оид маърузаларимиз билан фаол иштирок этамиз.

— Дориуносоликдан бошқа яна қайси соҳаларга қизиқасиз? Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Гуллар ўстиришни жуда яхши кўраман. Ҳовлимизда манзарали ва доривор гулларни экиб, парвариш қиламан. Бизнинг шароитда ўсмайдиган баъзи гулларнинг уруғини олдириб келиб, иқлимимизга мослаштиришга ҳаракат қиламан. Шулардан дигиталес грандефлора (йирик гулли ангишвонагулни) ўстириб кўрдим. Натижа жуда яхши бўлди. Келажақда устозларимдан ўрганганларимни ҳаётга татбиқ этиб, кенг-роқ микёда илмий изланишлар олиб боришмоқчиман. Ҳўшимни магистратурада давом эттириб, талабаларга сабоқ бериш ниятим ҳам бор.

— «Олтин давр» имкониятларидан фойдаланмаётган тендошларингизга нималар деган бўлардингиз?

— Авваламбор, шундай улуг ва жаннатонад юртда туғилиб, вояга етаётганимиздан гурурланишимиз керак. Илм-фан, маданият ва спорт, санъат, кўйингки, ҳамма соҳада биз ёшларга барча имкониятлар тўла-тўқис яратиб берилган. Шахсан Президентимизнинг истиқлол фарзандларига кўрсатаётган чексиз ғамҳўрлик ва улкан эътибори бизларни янада баланд чўққилар сари илҳомлантирмоқда. Истагим, ҳар биримиз қайси жабҳада бўлмасин, шу азиз Ватан олдидаги фарзандлик бурчимизни сидқидилдан адо этайлик!

«Оила ва жамият» мухбири  
Шаҳноза РОФИЕВА ёзиб олди.

## СПОРТ СПОРТ СПОРТ

### Бир галаба, бир мағлубият

Мексикада бўлиб ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг «D» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ва Янги Зеландия ўйини бўлиб ўтди. Биринчи бўлимдан сўнг ўсмирларимиз кичик ҳисобда имкониятни бой беришди — 1:2.

Иккинчи бўлимда Янги Зеландия вакили Стефен Кармишел ўзининг хет-трикини нишонлаган бўлса, Жордан Вейл ўйин охирида ҳисобни йирик кўринишга келтириб қўя қолди — 1:4.



Ушбу гуруҳнинг яна бир учрашуви АҚШ ва Чехия терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда америкалик ўсмирларнинг қўли банд келди (3:0).

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси эртага тунги соат 01:00 да АҚШ терма жамоасига қарши тўп суради.

\*\*\*

2012 йили Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларининг футбол мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашаётган Осиё мамлакатлари олимпия терма жамоалари саралаш турнирининг иккинчи раундидаги дастлабки учрашувларни ўтказди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси дастлабки учрашувда Гонконг футболчиларига қарши тўп сурди. Пойтахтимиздаги «Жар» стадионида бўлиб ўтган ўйинда устунлик асосан ўзбекистонлик футболчилар томонида бўлди.

58-дақиқада Фозил Мусаев тўпни боши билан рақиб дарвозасига жойлади. Шундай қилиб, ўйин охиригача 1:0 ҳисоби ўзгармади.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси яваб учрашувини 23 июнь кунини Гонконгда ўтказди.

### «Катта шлем» йўлга чиқди

Яқин икки ҳафта ичида Лондонда ўтказилган Катта шлемга кирувчи «Уимблдон» турнири кўпчилигининг эътиборида бўлади.

125-мартга ўтказилган Катта мусобақага эркаклар ўртасида ўтган йилги ғолиб Рафаэль Надаль «Ролан Гаррос»ни ютиб яхши қайфият билан ташриф буюрган бўлса, «Уимблдон»нинг олти карра ғолиби Роджер Федерер ундан мағлубият аламини олмоқчи. Англиялик Энди Мюррей ва сербиялик Новак Жоквичнинг, аёллардан эса россиялик теннисчиларнинг имконияти юқорилиги таъкидланапти.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

## Хориж тажрибаси қандай?

Юртимизда мавжуд тартиб-қоидаларга қура диний расм-рўсуллар асосида тузилган никоҳ қонунини ҳисобланмайди. Бу борада хориж тажрибаси қандай?

С. Алибекова  
Дўстлик тумани

— Оила кодексининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ФХДЭ идораларида тузилган никоҳга тан олинади. Бу оила муносабатларини тартибга солувчи асосий шартлардан бири ҳисобланади. Хориж тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, давлат муассасаларида қайд этилган никоҳга тан олинмиши ақсарият мамлакатлар учун ҳослигини кўришимиз мумкин. Лекин баъзи давлатларда, масалан, Буюк Британия, Греция, Испания, Португалияда никоҳни муқобил асосда: ё диний, ё фуқаролик шаклда қайд этилишига қонун йўл қўяди.

Республикамизда диний расм-рўсулларга биноан тузилган никоҳ юри аҳамиятга эга бўлмайди, эр-хотинлик ҳуқуқи ва мажбуриятларини юзага келтирмайди. Лекин баъзи давлатлар-

да — Миср, Ливия, Жазоир, Ироқ, АҚШнинг айрим штатларида диний никоҳ расман тан олинади. Франция, Швейцария, Япония каби ривожланган мамлакатларда эса Ўзбекистондагидек никоҳни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинади.

Яқинда бир дўстим никоҳдан ўтиш учун ФХДЭ идорасига мурожаат қилган эди, бўлажак келинининг ёши етмаслиги сабабли аризаас рад этилди. Қонунчилигимизда никоҳдан ўтишга монелик қилувчи яна қандай ҳолатлар мавжуд?

Э. Боймуродов  
Оқолтин тумани

— Оила кодексининг 14-моддасига биноан, никоҳдан ўтиш ихтиёрий бўлиб, бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиши керак. Республикада никоҳ ёши аёллар учун — 17, эркаклар учун — 18 қилиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда (никоҳдан ўтувчи шахслардан бири Фуқаролик кодексининг 29-моддасига би-

## САВОЛ-ЖАВОБ

ноан эмансипация ҳолатида) муомалага тўла лаёқатли деб эълон қилинган бўлса, никоҳ ёши туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига биноан кўпи билан бир йилга камайитрилиши мумкин.

Оила кодексининг 16-моддасига мувофиқ, никоҳдан ўтувчи шахслардан бири аввал турмуш қурган бўлса, уларнинг никоҳдан ўтишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолатда ўша шахс янгитдан никоҳини қайд эттириш учун аввалги никоҳининг тугатилганини тасдиқловчи ҳужжатлар (никоҳ тугатилгани тўғрисида гувоҳнома, эри ёки хотинининг вафоти тўғрисидаги гувоҳнома, суднинг никоҳни ҳақиқий эмас деб топил ҳақидаги ҳал қилув қарорини) тақдим этиши шарт.

Бундан ташқари, яқин қариндошлик ҳам никоҳдан ўтишга монелик қилувчи ҳолатлардан бири ҳисобланади. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни қонун йўли билан тақиқлаш ахлоқий ҳамда биологик нуқтани назардан тиббиёт фанининг ютуқ ва хулосаларига асосланади.

Саволларга Дўстлик туман  
ФХДЭ бўлими мудири  
Шаҳзода МУЛЛАБОЕВА  
жавоб берди.

Муассасалар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

### Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 237-21-82  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

### ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 632. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади — 10948. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ  
Мусахҳилхор — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5